



2020 yil « 26 » avgust

125 – K - sonli

Samarqand sh.

**Бозорлар ва савдо комплексларида
савдо ва хизмат кўрсатиш объектлари
учун ижара ва умумий
фойдаланиладиган объектларни
сақлаш бўйича кўрсатиладиган
хизматлар учун ойлик тўловларни
ҳисоблаш ва ундиришни пандемия
даврида вақтинча тўхтатиш тўғрисида**

Коронавирус пандемияси даврида тадбиркорлик субъектларини
кўллаб-куватлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг
2010 йил 26 апрелдаги “Деҳқон бозорлари ва савдо комплекслари
фаолиятини ташкил қилишни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари
тўғрисида”ги ПҚ-1326-сон қарори, вилоят Молия бош бошқармасининг
2020 йил 20 июлдаги (01/02-38/1011-сон) ва Давлат солик бошқармасининг
2020 йил 22 июлдаги (20/2-14608-сон) мурожаатлари ва вилоят ҳокимининг
биринчи ўринбосари (Ж.Ураков) нинг 2020 йил 20 июлдаги (696/01-30-сон)
бидиргиси мувофик, “Норматив-хуқуқий ҳужжатлар тўғрисида”ги
Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 35-моддасига асосланиб,

ҚАРОР ҚИЛАМАН :

1. Вилоят ҳокимининг биринчи ўринбосари (Ж.Ураков), вилоят Молия
бош бошқармаси, Давлат солик бошқармаси ҳамда Бозорлар ва савдо
комплекслари уюшмасининг пандемия даврида фаолиятига рухсат
берилимаган савдо ва хизмат кўрсатиш нуқталари учун ижара ва
кўрсатиладиган хизматлар бўйича ойлик тўловларни вақтинча тўхтатиш
ҳақидаги таклифлари маъқуллансин.
2. Вилоят ҳокимининг 2020 йил 25 февралдаги “Вилоятдаги бозорлар ва
savdo комплекслари маъмурияти томонидан ундириб олинадиган бир
марталик йигимлар, ижара тўловлари ва кўрсатиладиган хизматлар қиймати
микдорларини тасдиқлаш тўғрисида”ги 22-Қ-сон қарорининг 2-иловаси

(бозорлар ва савдо комплексларининг маъмурияти томонидан бино, иншоотларни ва инвентарларни ижарага бериш ва кўрсатиладиган мажбурий хизматлар учун ундириладиган тўловлар) га амал қилиши пандемия даврида карантин талаблари кучайтирилган давр учун, инқирозга қарши курашиш вилоят комиссияси томонидан вилоятдаги бозорлар ва савдо комплекслари фаолиятини юритишига рухсат этилгунга қадар тўхтатилсин.

3. Вилоят ҳокимлиги ахборот хизмати-матбуот котиби (М.Мирзаев) мазкур қарорни “Зарафшон” ва “Самаркандский вестник” газеталарида эълон қилинишини ҳамда вилоят ҳокимлигининг расмий веб-сайтига жойлаштирилишини таъминласин.

4. Мазкур қарор расман расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

5. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш вилоят ҳокимининг биринчи ўринбосари Ж.Ураков зиммасига юклатилсин.

Вилоят ҳокими



Э.Турдимов